

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ҲАКИМ ҒОФУРОВИЧ

**ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИНГ ҲАРБИЙ
ХОДИМЛАР ПРОФЕССИОГРАММАСИДАГИ ЎРНИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on philosophical sciences**

Саидов Ҳаким Гофурович

Ватанпарварлик ва миллий ғурурнинг ҳарбий ходимлар
профессиограммасидаги ўрни.....

3

Саидов Ҳаким Гафурович

Роль патриотизма и национальной гордости в профессиограмме
военных сотрудников.....

23

Saidov Khakim Gofurovich

The role of patriotism and national pride in the professionogram
of military personnel

43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ҲАКИМ ҒОФУРОВИЧ

**ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИНГ ҲАРБИЙ
ХОДИМЛАР ПРОФЕССИОГРАММАСИДАГИ ЎРНИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal168 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳакимов Назар Ҳакимович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ғайбулаев Отабек Мухаммадиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02, рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва мафкуравий ўзгаришларнинг шиддати кўпчилик ривожланаётган давлатлар олдига янги-янги вазифаларни қўймоқда. Улар ўз суверенитетини мустаҳкамлашда халқи осойишталигини ва миллий хавфсизлигини таъминлашга, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг конструктив йўллари топишга, интеграцияни ўзаро манфаатлар уйғунлигига қуриш механизмларини яратишга интилоқда. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнлари шуни кўрсатмоқдаки, халқаро интеграция жараёнларида ривожланаётган давлатларнинг фаол иштироки, ўз манфаатларини ўзлари ҳимоя қилиши, бунинг учун эса ўз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлган ватанпарвар кадрларни шакллантириш орқалигина эришиш мумкинлиги конструктив воқеликка айланмоқда. Шу нуқтаи назардан, аҳоли хусусан, ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, касбий фаолиятига садоқатли қилиб тарбиялаш масалалари долзарб аҳамият касб этиб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида давлат, унинг хавфсизлик функциялари, кратологик қарашлар, ҳарбий ходимлар профессиограммаси, уларни тинч ва уруш хавфи мавжуд пайтларда ҳарбий техник психологик тайёрлаш, мамлакат чегараларини ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш, терроризм, экстремизмга қарши курашда улардан фойдаланиш масалаларига оид муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларда, бир томондан, ҳарбий билимга оид концепциялар ва ҳарбий тактик масалалар тадқиқ этилса, иккинчи томондан, ҳарбий ходимларни психологик тайёрлаш, уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган ички интизом, саф тортиш, аскарлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам масалалари очиқ берилмоқда. Шу билан бирга, ҳарбий ходимлар профессиограммасини шакллантиришнинг замонавий концептуал асосларини, тамойиллари ва усул-воситаларини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар, мамлакат хавфсизлигини, халқнинг осойишта ва тинч яшашини таъминлаш, ҳарбий ходимларнинг ҳарбий техник тайёргарлиги ва жанговарлигини кучайтириш, улардаги ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғусини янги босқичга кўтаришни объектив эҳтиёжга айлантормоқда. “Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, армиямизда ватанпарварлик тарбияси, миллий руҳни юксалтириш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг қалби ва онгида миллий ғурур, она юртга садоқат, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғусини кучайтириш, барча ёшларимизни шу асосда тарбиялаш борасида жиддий тизимли камчиликлар мавжуд”¹. Бу вазифаларни амалга оширишда эса ёшларда ҳарбий ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларини тарбиялашда ҳарбий қисмлар билан кенг

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-Жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – Б. 130-131.

жамоатчилик шериклигидан фойдаланишнинг самарали йўллари топиш ва илмий-амалий воқеликка тадбиқ этиш долзарб умумназарий масала ва объект зарурият бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 11 октябрдаги 812-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий, маданий савияси ва билимларини мунтазам ошириб бориш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4061-сон “Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Олий Мажлиснинг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сон “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 мартдаги 54-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейи фаолиятини янада такомиллаштириш-га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугун дунёда нафақат интеграция ва глобаллашув, шунингдек, рақобат, энди мустақил ривожланиш йўлига кирган миллий давлатлардаги табиий бойликларни қўлга киритиш, эгаллик қилиш, тайёр ишчи кучларидан ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланишга интилиш ҳам авж олган.

АҚШ ва Европа давлатларида геосиёсат, миллий давлатларнинг мавқеи, иқтисодий ўсиши, табиий заҳиралари, ҳарбий қудрати масалаларини, махсус тадқиқ этувчи илмий марказлар, институтлар ташкил этилган, уларда йирик сиёсатшунос, файласуф, социолог, иқтисодчи, глобал тараққиёт муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар фаолият кўрсатади. Бу ўринда С.Хантингтон (АҚШ, Гарвард университети) П.Бергер (социолог, ISEC директори) Э.Бернстейн (социолог, Йоханнесбург тадқиқот маркази), Ж.Хантер (социолог ва файласуф, Франкфурт университети), Яньсянь Янь (файласуф ва социолог, АҚШ, Калифорния университети), Ж.Йейтс (социолог, АҚШ, Виржиния университети), Х.Кельнер (социолог, Франкфурт университети), М.Б.Олкотт (АҚШ, Евросиё тадқиқот институти), шунингдек,

З.Бжежинский, Ж.Сорос¹, Ф.Фукуяма, И.Валлерстайн, Г.П.Мартин, М.Хардт каби таниқли назариётчилар тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг айрим ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва иқтисодий интеграцияга оид масалаларини МДХдаги тадқиқотчилар ҳам ўрганиб келади. Бу ўринда В.Соловьев, В.В.Ильин, С.Кара Мурза, А.Г.Володин, И.А.Василенко, А.Дугин, И.Б.Орлова, Л.Ивашов, Ю.Мухин, А.Корешкин, М.Калашников, А.А.Данилов, М.М.Лебедева, Г.Широков, Д.Жекшенкулов, Т.А.Абдурахманов, М.М.Амретдинова, К.У.Утуров, А.С.Ормушев, Н.У.Курбанова, Н.Н.Моисеев, П.Н.Савицкий, А.И.Уткин², В.Л.Иноземцев, У.Чиналиев, Б.Сидиқов, А.Пулатов, А.К.Бисенбоев, С.В.Жуков, О.Б.Резникова, Н.Амрекулов каби тадқиқотчиларни келтириш мумкин. Бу тадқиқотларда Евросиё, шу жумладан, Марказий Осиё республикаларидаги интеграция жараёнлари, ҳарбий ҳамкорлик ва бетарафлик муаммолари, қитъада тинчликни асрашга оид мавзулар тилга олинади. Уларнинг деярли барчасида Ўзбекистон армияси қудратли, ҳарбий ходимларининг жанговарлиги юқори экани эътироф этилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида Куролли Кучларни шакллантириш, уни модернизация қилиш, ҳарбий техник куроллантириш, давлатни ҳар қандай ички ва ташқи хавфдан ҳимоя қилишга қодир тизимга айлантириш, шу жумладан, ватанпарварлик ва миллий ғурурни шакллантириш тажрибалари у ёки бу йўналишда тадқиқ этилди. Мазкур муаммоларнинг айрим масалалари М.Абдуллаев, В.Алимасов, Э.Бобомурадов, И.Саифназаров, С.Жўраев, Н.Жўраев, Ш.Ғоибназаров, Т.Файзуллаев, Р.Самаров³, С.Отмуратов, В.Қўчқоров, У.Саидов, Ф.Мусаев, А.Очилдиев, Р.Рўзиева, С.Агзаходжаева, Р.Замилова, А.Мухторов, С.Чориев, М.Хажиева, А.Худайбергенов, Ж.Рахимов, Ш.Т.Икрамов, Ш.Р.Қобилов, С.Ахраров, О.Сафарбоев тадқиқотларида ўрганилган⁴. Улар ичида социология фанлари номзоди, доцент С.Ахраровнинг диссертацияси мавзумизга бевосита тааллуқлидир⁵. Унда тадқиқотчи ҳарбий ходимлар профессиограммасида девиант хулқ-атворнинг намоён бўлиш сабаблари ва илдизларни очиб берган, ватанпарварлик туйғусига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ёритган. Муаммога оид илмий-амалий анжуманлар ўтказилиб тўпламлар чоп этилган⁶. Бироқ мазкур тадқиқотлар муаммонинг айрим қирраларини қамраб олади, халос. Муаммо ўзининг кенг қамровли, ранг-баранг ва ички зиддиятларга тўла экани билан янги-янги изланишларни тоқазо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

¹ Сорос Ж. О глобализации. Москва: Эксмо, 2004. С.25.

² Уткин А. Американская империя. Москва: Эксмо, 2003. С.107. 110.253.

³ Самаров Р.С. Хавфсизликнинг методологик асослари. Тошкент: Академия, 2010.112.114. б.

⁴ Адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

⁵ Ахраров С.Ю. Ҳарбий хизматчилар шахсида девиант хулқ намоён бўлишининг ижтимоий хусусиятлари. Социология фанлари номзоди дисс. автореф. Тошкент: 2009.

⁶ Проблемы патриотического воспитания будущих офицеров на этапе становления независимого Узбекистана. Ташкент: ГФНТИ, 1996.

Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-ФА-2019-2025 рақамли “Хоразм шаҳарларининг тарихи, маданий мерослари, обидалари ва санъат асарларининг тадқиқотлари асосида SMART технологияларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳарбий ходимлар профессиограммасида ватанпарварлик ва миллий ғурур феноменларининг ўрнини ижтимоий-фалсафий очиб бериш ҳамда соҳа фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳарбий ходимлар профессиограммасининг шакллантирилиши жараёнларини очиб бериш;

ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғусининг ўзаро диалектик боғлиқ хусусиятлари ва имманент белгиларини аниқлаш, уларнинг фидоийлик, қаҳрамонлик, жасорат каби воқеликларда объективлашишини асослаш;

ҳарбий ходимлар профессиограммасидаги функцияларини, уларнинг Ҳарбий доктрина, Низомлардаги талқинларини таснифлаш ҳамда тизимга солиш;

ёшларда ҳарбий ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларини тарбиялашда ҳарбий қисмлар билан кенг жамоатчилик шериклигидан фойдаланишнинг самарали йўллари топиш, бу борадаги муаммоларнинг ечимини топиш.

Тадқиқотнинг объектини ҳарбий ходимлар профессиограммаси фаолиятида ватанпарварлик ва миллий ғурурнинг намоён бўлишини ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ҳарбий ходимлар профессиограммасининг ҳарбий бурч, ҳарбий техник тайёргарлик, аскарона одоб ва ибратли хулқ-атворда акс этиш хусусиятларини илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг индукция ва дедукция, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, умумлаштириш, тизимли таҳлил, социологик сўровнома, интервью, қиёсий таҳлил, каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

ҳарбий чақирув ёшидаги ёшларда Ватанга содиқлик, ҳарбий техник билимлар ва машқларга қизиқишини ортириш, аҳоли пунктларида тинчликни сақлаш, дислокация билан боғлиқ жуғрофий ва экологик тасавурлар асосида потенциал ҳарбий ходимларга айлантириш каби уникал-функционал хусусиятлари очиб берилган;

ҳарбий ходимлар функцияларида, ҳарбий касб билимларини мунтазам эгаллаши, ўз ҳуқуқи ва аскарий маҳоратини такомиллаштириши, уларнинг касбий билим ва маҳоратига детерминистик таъсир этиши умуммиллат манфаатларини шакллантирувчи мезон эканлиги асосланган;

ҳарбий ходимлар профессиограммасида ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуси, ватанга содиқлик, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш каби этнодифференциал хусусиятларнинг интеллектуал бой ва социокреатив

ҳарбий хизматчиларни касбга йўналтиришда фидоийлик, масъулиятлик каби юксак касбий бурч ва ислоҳотларга дахлдорлик тамойилларининг аҳамияти очиб берилган;

ҳарбий тизимнинг шакилланиш жарёнида ходимлар профессиограммасидаги фидоийлик, альтруизм, жасорат, мардлик сингари касбий кампетентликнинг кратологик функциялари фалсафий жихатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ватанпарварлик ва миллий ғурурнинг профессиограммада ўзак (ядро) қисм сифатида келиши аниқланиб, уларнинг ҳарбий тайёргарлик ва билим, аскарлар ахлоқий кодекси, фазилатлари пировард натижаси ҳамдир, деган ғоя барча ижтимоий-тарбиявий жараёнларга сингдирилиши асосланган;

ҳарбий ходимлар профессиограммасидаги ҳарбий касб-кор ва маънавий-ахлоқий фазилатларнинг имманент хусусиятлари аниқланиб, улардан амалиётда, ҳар бир ҳарбий йўналишга мувофиқ фойдаланишга қаратилган тадбирлар тизими ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси суверенитетини, давлат хавфсизлиги ва чегаралар яхлитлигини, халқ осойишталиги ва тинч-тотув яшашини ҳимоя қилиш ҳарбий ходимларнинг муқаддас бурчи эканлигини талаба-ёшлар онгига сингдириш бўйича амалий таклиф ва тавсилар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда, маҳаллий ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровлар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, илгари сурилган конструктив ғоялардан ҳарбий ходимлар тайёрлашда қўлланиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар (фалсафа, социология, педагогика, фуқаролик жамияти) ва махсус фанлар (ҳарбий педагогика, ҳарбий психология, ҳарбий ишлар тарихи ва назарияси)ни илмий-назарий қарашлар, гносологик масалалар билан бойитади, муаммога оид тадқиқотлар ўтказишда илмий-методологик манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса улардан ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур туйғусини шакллантиришга қаратилган оммавий-маданий ва маърифий-тарбиявий тадбирлар дастурларида, ўрта мактаблар, ўқув юртлари, маънавий-маърифий марказлар, ҳарбий билим юртлари ўзининг кундалик амалий фаолиятида, шунингдек мавзуга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ҳарбий соҳа ходимларининг профессиограммасида ватанпарварлик ва миллий ғурурнинг ўрнини мустаҳкамлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар асосида:

Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимининг шаклланиш жараёнлари, ҳарбий ходимлар профессиограммасидаги касб-кор ва маънавий-ахлоқий фазилатларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятига оид хулосалари, таклиф-тавсияларида ёшлардаги Ватанга содиқлик, ҳарбий-техник билимлар ва машқларга қизиқишини орттириш, уларни потенциал ҳарбий ходимларга айлантиришга доир таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилишда ёзма иш, номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда яқка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлигининг 2021 йил 4 январдаги 2/12-сон маълумотномаси). Натижада, ички ишлар органлари ходимларида Ватанга содиқлик, давлат сирларини ошкор этмаслик, ички ва ташқи хавфни бартараф этиш учун ўз ҳаётини аямаслик, миллий манфаатларни устувор деб билиш каби юксак касбий бурч ва масъулитни шаклланиши ҳамда мустақамланишига хизмат қилган;

ватанпарварлик ва миллий ғурурнинг фаолият, фаоллик, мардлик, фидоийлик, жасорат ва қаҳрамонлик, ҳарбий ходимлар функцияларида эса ҳарбий техник билим, маҳорат ва жисмоний тайёргарлик билан диалектик боғлиқлигига оид таклиф-тавсияларидан “Глобаллашув асослари” фани бўйича дарсликнинг “Маънавий таҳдидларнинг намоён бўлиш хусусиятлари” ва “Мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашувчанликни шакллантириш вазибалари” деб номланган мавзуларини таёрланишида фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 89-03-207-сон маълумотномаси). Натижада мазкур дарсликни илмий жиҳатдан такомиллаштириш асосида талаба-ёшларнинг ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғусини шакллантириш ва тарбияланишида стратегик аҳамияти тўғрисидаги билимларини бойитишга хизмат қилган;

ҳарбий ходимлар профессиограммасидаги ватанпарварлик ва миллий ғурур махсус норматив ҳужжатлар (Ҳарбий доктрина, махсус қонунлар, Низомлар, Мудофаа вазирлиги буйруқлари) орқали шакллантирилса-да, улар ташқи (душманнинг қўққисдан ҳужуми) ва ички (шахснинг хиссий когнитив кечинмалари) омиллар таъсирида ўзгариб туриши мумкинлигига оид хулосаларидан, таклиф ва тавсияларидан Наманган вилоят телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатилган “Ватанпарварлик” кўрсатуви дастури сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 5 январдаги 01-01-04-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда Ватанга садоқат руҳини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуритларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий

конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг бажарилаётган муассаса илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Ватанпарварлик ва миллий ғурурнинг илмий, ижтимоий-фалсафий асослари**» деб номланади. Ушбу бобда ватанпарварлик ва миллий ғурур категориал негизлари бўлган “фаолият”, “фаоллик”, “амаллар”, “альтруизм”, “қаҳрамонлик” ва “жасорат” каби воқеликлар орқали тадқиқ этилади. Диссертацияда, фаолият, фаолликнинг ватанпарварлик билан уйғун келишида, қаралишида ўзига хос ижтимоий-фалсафий маъно борлиги таъкидланади. Яъни, у қуйидаги жиҳатлар билан изоҳланади. Биринчидан, фаолият, фаоллик онгли мавжудотнинг мавжудлик, ҳаётийлик шарти ва ифодасидир. Фақат онгли мавжудотда, яъни инсонда фаолият, фаоллик анланган ҳодиса тарзида намоён бўлади. Фаоллик барча мавжудотларга хос, ҳатто асаларининг уя қуришига ҳар қандай архитектор ҳавас қилиши мумкин. Асаларининг фаоллиги шунчалик рационал ва тартиблики, ундан инсон кўп нарсаларни ўрганиши мумкин. Бироқ асаларининг фаоллиги анланган фаолият эмас, фақат инсон ўз хатти-ҳаракатларига анланганлик, мақсадлилиқ бахш этади. Айтмоқчи бўлган фикримиз шундаки, фаолият, фаоллик ватанпарварлик, миллий ғурур билан уйғунлашганида уларнинг барчаси инсон хатти-ҳаракатларини анланганлик, мақсадлилиқ синтездан ўтказиб қарашга етаклайди. Фаолиятга, фаолликка айланган туйғулар ижтимоий-фалсафий моҳиятга эга. Иккинчидан, фаолият, фаоллик ижтимоий-психологик тадқиқотларнинг асосий категориялари ҳисобланади. Инсонни фаолият, фаоллик орқали тадқиқ этиш, унинг хатти-

ҳаракатларини мақсадлилиқ, англанганлиқ нуқтаи назаридан кузатиши орқали ижтимоий-психологик тадқиқотлар фалсафага яқин туради¹.

Психология фанлари доктори, профессор А.Н.Леонтьев эса инсон онгининг ривожланиши, ўзига хос психологик воқелиқ сифатида шаклланиши айнан фаолият, фаоллиқ билан боғлиқлигини, инсон яратган маданий бойлиқлар ана шу жараёнлар ифодаси, маҳсули эканини асослаган². Кейинчалиқ Э.Фромм инсоннинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини, “мавжудлиқ ёки номавжудлиқ” муаммосини “ижтимоий ва маданий фаолият” билан боғлайди³. Бобда фаолият, фаоллиқни инсоннинг барча хатти-ҳаракатларига тадбиқ этиш мумкинлиги ҳақида фикр юритилади. Бунда, фаолият, фаоллиқ ватанпарварлиқда шунчаки туйғу бўлиб қололмайди, у алоҳида феномен даражасида намоён бўладиган воқелиқдир. Бу воқелиққа фидоийлиқ, альтруизм, жасорат, мардлиқ каби фазилатлар ҳам киради. Ватан инсон туғилиб ўсган, этномаданий меросини ўзлаштирган, тили ва тафаккурини шакллантирган, аждодлар хоки ва тажрибасини эъзозлашга ўргатган ижтимоий макондир. Бу макондаги моддий ва маънавий бойлиқларни асраш, кўпайтириш, келгуси авлодларга етказиш ҳар бир шахснинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Бобда, фидоийлиқ инсон ҳаёти учун фундаментал аҳамиятга эга “базавий қадриятлар” билан боғлиқлиги ҳақида ҳам сўз юритилади. Бундай базавий қадриятларга ҳаётни асраш, кўпайиш, ўз яқинларини хавф-хатардан ҳимоя қилиш, ожиз ва ёрдамга муҳтож яқинларига ёрдам кўрсатиш, боқиш, ташқи душманлар ҳужумларини бартараф этиш, табиий офатлардан қутқариш, уй-жой билан таъминлаш кабиларни киритиб ўтади. Ушбу “базавий қадриятлар” инсонни бутун ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичларида фидоий бўлишга, фаоллиққа ундаб келганини кузатамиз. Масалан, ҳаётни асраш инсонга табиат томонидан берилган инстинктдир. Бу инстинкт даврлар ўтиши ва инсоннинг ижтимоий мавжудотга айланиб бориши билан маънавий эҳтиёжга, ижтимоий бурчга айланган. Табиий инстинкт ўрнини маданий, маънавий ва ижтимоий этиёж эгаллаган, ушбу эҳтиёж, ўз навбатида, инсонни бошқа инсонлар, жамият, социум билан яшашга ундаган. Ижтимоий-ахлоқий нормалар, маънавий қадриятлар тараққиёт эҳтиёжлари тарзида инсониятга умумийлиқ, умумбашарийлиқ бахш этиб келади. Мана фидоийлиқ моҳиятан нималар билан боғлиқ. Ёки бўлмаса, базавий қадрият бўлган яқинларни зарур нарсалар (уй-жой, кийим-кечак, озиқ-овқат) билан таъминлашни олайлиқ. Инсоннинг тўлақонли яшаши, онгли мавжудот сифатида фаолият юритиши учун ушбу базавий қадриятлар ўта муҳим. Халқлар, миллатлар турмуш тарзини белгилаб келган, этномаданий бойлиқларни ўлмас қадриятларга, артефактларга айлантирган ушбу базавий қадриятлар, фалсафа фанлари доктори, профессор Исо Жабборов ибораси билан айтганда “хўжалиқ маданий типлари”⁴ инсонни,

¹Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. СПб.: Питер, 2001; Бодалев А.А. Восприятие человека человеком. СПб.: Питер, 2003; Абулханова Славская К.С. Деятельность и общение. СПб.: Питер, 2006

²Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. Москва: Изд. Моск. ун-та, 1991. С.418

³Фромм Э. Искусство быть. Новая философия. Москва: АСТ, 2014. С.192-194

⁴Жабборов Исо. Ўзбек этнографияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1999. 36 - 49 б.

халқ, этнос вакили сифатида, фидоий бўлишга ундаб келади. Фидоий бўлмасдан ушбу базавий қадриятларни асраб ҳам, миллат, этнос вакили сифатида яшаб ҳам бўлмайди. Диссертацияда, Ватанпарварлик ва миллий ғурур гоҳо тасодифий таъсирлар маҳсули сифатида ҳам келиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади. Инсон характерида тасодифлар ўрни муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, этнопсихологик кузатишлардан маълумки, ўзи туғилиб ўсган юртдан узоқда ишлаётган шахс халқи, миллати ҳақида ҳақоротомуз фикр эшитиб қолса, кутилмаганда унда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуси жўш уради, у ўз халқи, миллати шаънини ҳимоя қилишга интилади. У шу пайтгача этноэгоистик кайфиятга берилмаган бўлиши мумкин, аммо бир туртки бўлдики, у энди ватанпарварга, халқпарварга айланди¹. Кўриниб турибдики, ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуси кўп омилли ҳодиса, улар турли, гоҳо эса зиддиятли таъсирлар остида шаклланади. Шахс ва жамият идеали стратегик мақсадлар билан бирга тарихий-маданий меросдан олинган тасаввурлардан иборат. Бундай идеал жамият тараққиётини тарихий-маданий тажрибанинг уйғунлашуви асосида шаклланади. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кишилар идеални кўпинча ўтмишдан, тарихий-маданий тажрибадан излашга мойилдирлар. Фалсафа фанлари доктори, профессор С.Аъзамходжаеванинг ёзишича, идеал, субъектив воқелик, орзу, тилак ва бахтли келажакка оид тасаввурлар ифодаси сифатида ўтмишдаги воқеликни келажакка проекция қилиш кучига эга.² Проекция эса мавжуд тажрибани келажакка тадбиқ этиш ўтказишдир. Идеалда ҳам, қаҳрамонликда ҳам шахсни олийжаноб мақсадлар билан яшашга даъват бор. Бу даъват эл, юрт, ватан, тараққиёт манфаатлари билан яшашни назарда тутати. Қаҳрамонлик, у эргашадиган идеал шахсий манфаатларни ижтимоий манфаатлар билан уйғунлаштиришни, зарур бўлганида шахсий ниятдан воз кечишни тақозо этади. Қаҳрамонликда мудом Ватанга оид нимадир бор бўлади, ватанпарварлик ва элпарварлик туйғусисиз қаҳрамонлик йўқ. Қудуққа тушиб кетган мушукни ёки қўзичоқни қутқариш учун ўзини қудуққа ташлаган кишини биз қаҳрамон атамаймиз, аммо ушбу ҳаракат инсон, гўдак ҳаётини қутқаришга қаратилса, уни биз қаҳрамонлик деб атаймиз. Демак, қаҳрамонлик инсон, эл, ватан учун фидоийликдир.

Диссертацияда, қаҳрамонликда фидоийлик, альтруизм, ҳатто ўзидан кечиш мавжудлиги ҳақида ҳам фикр юритилади. У оддий фаолият ёки меҳнатдан фарқ қилади. Агар “Ўзбекистон Қаҳрамон” лари шарафли унвонга эга кишилар ҳаётини ўргансак, уларда ўз касбига чуқур муҳаббат борлигини кўрамиз. Бу муҳаббат эл-юрт, ватан равнақиға қаратилгани учун альтруистик хусусият касб этади. Яъни “Ўзбекистон Қаҳрамон”лари бутун ҳаёти ва фаолиятини ватани манфаатларига бахш этган фидоийлардир.

Қаҳрамонлик албатта, расмий эътироф этилиши шарт бўлган феномен эмас. Масалан, короновирус пайтида эл-юрт соғлиги учун ўз соғлигини, ҳаётини хавф остига қўйиб жонбозлик кўрсатган тиббиёт ходимлари ҳақиқий

¹Психология национальной нетерпимости: Хрестоматия. Минск: Харвест, 1998; Современная этнопсихология. Хрестоматия. Минск: Харвест, 2003.С.145

²Агзамходжаева С.Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқук, 2007.(11-12 б)

қахрамонлардир. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам расмий эътироф этилган кишини, шахсни “қахрамон”, “замонамиз қахрамони” деб атайди.

Қахрамонликда фидоийлик, альтруизм, ҳатто ўзидан кечиш мавжуд. Шунинг учун у оддий фаолият ёки меҳнатдан фарқ қилади. Агар “Ўзбекистон Қахрамон”лари шарафли унвонга эга кишилар ҳаётини ўргансак, уларда ўз касбига чуқур муҳаббат борлигини кўрамиз. Бу муҳаббат эл-юрт, ватан равнақига қаратилгани учун альтруистик хусусият касб этади. Яъни “Ўзбекистон Қахрамон”лари бутун ҳаёти ва фаолиятини ватани манфаатларига бахш этган фидоийлардир.

Демак, ҳаётда расмий эътироф этилмаган, тан олинмаган қахрамонлар ҳам бор. Энг муҳими, улар фаолияти, ҳатти-ҳаракатлари фидоийликка, альтруизмга эл-юрт, ватан манфаатларига қурилганидир. Ҳаётда қахрамон, ватанпарвар бўлиши учун мудом имкон ва инсон қалбида, руҳида ижтимоий адолатга, ватанга, миллатга меҳр бор экан, у қахрамонона яшашга асос топа олади. Бугунги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар ҳар биримизни қахрамонлик кўрсатиб яшашга ундайди, бу ижтимоий-тарихий имкон бизни чин ватанпарварга айлантираётгани билан этиборлидир. Ватан - муқаддас, ватанпарварлик эса янада муқаддасдир. Халқни, ижтимоий кучларни ҳаракатга келтириш, уларнинг имкониятларидан фойдаланиш ҳам давлат, ҳокимият зиммасига тушади, чунки ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳар бир фуқаронинг, халқнинг чуқур эътиқодига айлангандагина давлат ўз суверинитетини сақлаб қолади, миллий давлатчилигини мустаҳкамлайди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Ҳарбий ходимлар тайёрлаш тизими ва унинг илмий, ижтимоий-фалсафий таҳлили**» деб номланади. Ушбу бобда, ҳарбий ходимлар тайёрлаш тажрибалари, тизими ҳақида сўз юритилади. Бобда ҳарбий ходимлар тайёрлаш тизимининг давлат институти билан бирга, параллел тарзда шаклланиши очиб берилади. Давлатга хос бўлган кратологик функциялар моҳиятан ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва ходимларга ҳам тааллуқлидир. Бироқ бу тааллуқлилик ҳарбий ходимларда ватанга, давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилиш, ички тартиб-интизомга, ҳарбий доктринага ва буйруқларга сўзсиз бўйсунуш тарзида намоён бўлади.

Бобда давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ташқи, ватанни ҳимоя қилиш каби кратологик функцияларининг ҳарбий ходимлар фаолиятида намоён бўлиш хусусиятлари ёритилади. Ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ва ходимлар бу функцияларни айнан такрорламайди, балки уларнинг самарали бажаралишига кўмаклашади, ёрдамлашади. Диссертацияда ҳарбий ходимлар профессиограммаси, унинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари очиб берилади. Профессиограмма маълум бир модел, аммо инсон хислатлари ҳар доим ҳам ушбу моделга мувофиқ шаклланавермайди. Ҳатто ҳарбий ходимларда ҳам ушбу моделдан чекиниш, гоҳи қасамни унутиш каби ҳоллар учраб туради. Шундай экан, ҳарбий ходимлар профессиограммасига динамик ҳодиса, маълум бир ташқи таъсирларга бериладиган, улар таъсирида ўзгарадиган ҳодиса сифатида қараш даркор. “Профессиограмма” лотинча сўз бўлиб, маълум бир касб-

корга оид белгиларни, норма ва талабларни ўзи ичига олган тавсифномани англатади. Мазкур белгиларга қараб, биз касб-корнинг ўзига хос ички, имманент хусусиятларини, функционал вазифаларини англаймиз. Профессиограммада касб-корга қўйиладиган талаблар, уларнинг ижтимоий мақсадларга қанчалик мувофиқ келиши, шахсий ва маънавий-ахлоқий талабларнинг уйғунлашуви каби кўрсаткичлар акс этади. Ҳеч бир касб-кор мазкур талабларсиз рационал ташкил этилмайди ва унинг келажаги, трансформацион ўзгаришлари ва ҳаёт динамикасига мувофиқлиги аниқланмайди. Профессиограмма ижтимоий талабларга мувофиқ трансформацияга учрайди ва ушбу ўзгаришлар янги касб-корларнинг юзага келишини таъминлайди. Шундай экан, ҳарбий ходимлар профессиограммасида ҳам ўзгаришлар бўлиб туриши табиий ҳолдир. Ҳарбий хизматчилар, кадрлар давлат ходимларидир. Уларнинг профессиограммаси ва касб-корга оид функцияларини давлат, ижтимоий-сиёсий тузум белгилаб беради. Тадқиқотда, ҳарбий ходимлар профессиограммасида икки гуруҳ функциялари мавжудлиги кўрсатилиб ўтилган. Улар, биринчиси, давлатнинг ўзига хос бўлган функцияларини амалга оширишда унга ёрдам бериш. Уни умумий кратологик функция дейиш мумкин. Иккинчиси, ҳарбий ходимларнинг фаолияти хусусиятлари, ички тартиби билан боғлиқ хусусий функциялари. Буни имманент функциялар дейиш мумкин. Ушбу икки функцияларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш мавзуни чуқурроқ ёритишга имкон беради. Ватанпарварликнинг касб-кор билан боғланиб келиши ҳарбий ходимлар профессиограммасида яққол намоён бўлади. Оддий фуқароларда у умуммаънавий хислатнинг бир кўриниши, ихтиёрий тарзда инсон фаолиятида келадиган фазилат бўлса, ҳарбий ходимларда у касб-кор, асосий фаолиятнинг ўзаги, моҳияти сифатида келади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий Низомидаги ҳарбий ходимлар профессиограммасига ватанпарварлик туйғуси билан боғлиқ қуйидаги мажбуриятлар киритилган:

- Ҳарбий қасамёдга содиқ қолишга, ўз халқига фидоийларга хизмат қилишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигининг матонат, маҳорат билан, ўз сўнгги томчи қони ва ҳатто ҳаётини аямасдан ҳимоя қилишга, ҳарбий бурчни бажаришга;

- ўз давлати конституциясига ва қонунларига қатъий риоя қилишга, ҳарбий низомларнинг талабларини бажаришга;

- Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизмат машаққатларига сабот билан чидашга;

- Ҳарбий касб билимларини мунтазам эгаллашга, ўз ҳукуқи ва аскарый маҳоратини такомиллаштиришга;

- ўзига ишониб топширилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани билиш ва ишлатишга доимий шайлиқда сақлашга, ҳарбий мулкни асрашга;

- ҳалол, интизомли, жасур бўлишга, ҳарбий мулкни асрашга, бурчни ижро этиш чоғида оқилона ташаббуслар кўрсатишга;

•командирларга (бошлиқларга) сўзсиз бўйсунуш ва уларни жангда ҳимоя қилишга, ҳарбий қисм Жанговар Байроғини қўриқлашга;

•аскарий биродарликни эъозлашга, ўз ҳаётини аямасдан ўртоқларини хавф-хатардан қутқаришга, уларга сўз ва иш билан ёрдам беришга, ҳар бирининг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга, ўзига ва бошқа ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўполлик ва таҳқирлашларга йўл қўймасликка, уларни нолайиқ қилмишлардан тийиб қолишга;

•аскарий юриш-туриш одоби қоидаларига риоя қилишга ва ҳарбийча салом беришни бажаришга, ҳар доим русум бўйича, озода ва саранжом кийинишга мажбурдир.¹

Ватанпарварликни ҳарбий соҳа, касб-кор билан боғлаб талқин қилиш “ҳарбий ватанпарварлик” деган иборани, категорияни илм-фанга олиб кирган. Ҳарбий ходимларга нисбатан “Ҳарбий ватанпарварлик” категориясини ишлатиш маъқул кўрилади. Шунинг учун “ватанпарварлик “ҳарбий ватанпарварлик” тушунчасидан кенг, у, ижтимоий моҳиятига кўра, бугун фуқароларга тааллуқли воқелик, ҳарбий ватанпарварлик эса ҳарбий ходимларга хос хислат сифатида қаралади. Лекин уларнинг иккаласи ҳам умумий негизга эга “ватан” деган тушунчани қалбига жо этиб, унинг манфаатларига, ҳимоясига ва обрўсини оширишга хизмат қилиш демакдир.

Ватанпарварлик давлат, халқ томонидан қабул қилинган, жамият тараққиётини белгилаб берадиган, стратегик мақсад мужассам Конституцияни (Асосий Қонунини), унга асосланган қонуний тартибларни ҳимоя қилишида ҳам акс этади. Конституция ва унга асосланган қонунлар шунчаки нормал нарса эмас, уларда жамиятнинг стратегик мақсади, келажак ҳақидаги тасаввурлар ва орзу-тилақлар мужассамдир. Уларни ҳимоя қилиш Ватанни ҳимоя қилишга тенгдир.

Гоҳо ватанпарварликни ҳарбий жасорат, мардлик, рақибга қарши чиқиш, ижтимоий манфаатлар ва тартибларни ҳимоя қилиш тарзида талқин қилишади. Бу талқинда ватанпарварликка қаттиқ кураш, жанг ҳосиласи сифатида қараш кўзга ташланади.

Альтруизм, фидоийлик, жонни фидо қилиб халқ, ватан, осойишталигини асраш ғурур уйғотувчи фазилят ҳисобланади. Бундай фазилятни ватанпарварликнинг олий чўққиси дейиш мумкин. Бироқ ватанпарварлик узлуксиз изланишда, ватан ҳақидаги фикрларни ёйишда, ижодий изланишда, юрт равнақи учун машаққатли меҳнатда ҳам эканини унутиб бўлмайди.

Диссертациянинг учинчи боби, «**Ўзбекистон ҳарбий ходимлари профессиограммасида ватанпарварлик ва миллий ғурур: реал воқелик, муаммолар, ечимлар**» деб номланади. Мазкур бобда Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси ва унинг ҳарбий ходимлар профессиограммасига таъсири, ватанпарварлик ва миллий ғурурни шакллантиришнинг ўзига хос дифференциал жиҳатлари ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилади. Бугунги серташвиш ва таҳликали дунёда ўз мустақиллиги ва хавфсизлигини ўйлаш, таъминлаш миллий давлатнинг,

¹ Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг умум ҳарбий Низомлари. Тошкент: Шарқ, 2007.

халқнинг бош вазифаси бўлиб қолмоқда. “Дунё миқёсида, дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, халқаро терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар, миллий ва глобал хавфсизликка қарши таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда Қуролли Кукчларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш энг устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда”¹. Шундай экан, ҳарбий ходимлар профессиограммасининг асосини ташкил этувчи, умуман давлатнинг ҳарбий, сиёсий масалалар бўйича позициясини ифода этувчи ҳарбий доктринасига назар ташлаш, ундаги мавзуга оид концептуал ғоялар, фикрлар ва амалий тавсияларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб бериш лозим.

Адабиётларда қайд этилишича, “доктрина” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб таълимот, илмий ёки фалсафий назария, сиёсий тизим, дастуриламал назарий ёки сиёсий принцип деган маъноларни англатади². Демак, ҳарбий доктрина деганда давлатнинг ўз хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фалсафий-сиёсий позицияси ифодаланган таълимотни, қарашни, назарияни тушунмоқ керак.

Бобда, Ҳарбий ходимларда миллий ғурур ва тарихий хотирага мурожаат этиш, улар профессиограммасида етакчи ўринда туриши ҳақида сўз юритилади. Миллий хавфсизликни ҳимоя қилиш нафақат ташкилий, тизимий ва ҳуқуқий механизмларга, шунингдек, субъектив воқеликлар ҳисобланадиган ватанпарварлик ва миллий ғурурга ҳам бориб тақалиши назарда тутилади. Бунинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий-фалсафий масалалари илмий адабиётларда етарли таҳлил қилинади³. Фалсафа фанлари доктори, профессор Р.С.Самаровнинг ёзишича, миллий хавфсизлик миллатнинг, халқнинг ҳаётий манфаатлар билан боғлиқ, у миллий давлат мавжудлигининг фундаменти, асоси⁴. Агар шу нуқтаи-назардан келиб чиқсак, ватанпарварлик ва миллий ғурур шунчаки шахсий туйғулар, кечинмалар ифодаси эмас, улар миллат, халқ ва давлат тақдирига оид воқеликлардир.

Ҳарбий ходимларга хос бўлган ҳарбий ватанпарварлик, аскарний бурч ва маҳорат, фидоийлик, альтруизм улар фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Гоҳо шунинг учун ҳам “ҳарбий ходимларда жасоратни, мардликни шакллантириш” деган сўз таажжуб уйғотади. Аслида ҳам жасорат, мардлик ҳарбий ходимлардаги зарурий хислат бўлмоғи керак.

¹Мирзиёев Ш.М.Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3 жилд. Тошкент: ЎзбекистонНМИУ, 2019. 372 б.

²Словарь иностранных слов. Москва: Русский язык, 1988. С. 177.

³Ташкулов Ж.У., Рисбеков Ю.Х. К вопросу о системности категории “национальная безопасность”// Хуқук. Право. Law. 2001, №2. С.47 – 54; Турсунов А.С.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: мудофаа ва хавфсизлик. Тошкент: ТДЮИ, 2005; Усманов М.А. Хавфсизлик ва мудофаани таъминлаш бўйича давлат функциясининг назарий ва ҳуқуқий асослари. Тошкент: ТДЮИ, 2011; Кузнецов В.Н.Социология безопасности. Москва: Книга и бизнес, 2003; Самаров Р.С. хавфсизликнинг методологик асослари. Тошкент: Академия, 2010

⁴Самаров Р.С. Хавфсизликнинг методологик асослари Тошкент: Академия, 2010. 9 12 б.

